

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 12 октябрь. Шанба №85 (947) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 октябрь куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Украина ташқи ишлар вазири Леонид Кожарани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг Ўзбекистонга ташрифи, аввало, икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид муҳим масалаларни бевосита муҳокама қилиш, шунингдек, ЕХХТнинг Украина раислигидаги фаолияти юзасидан фикр алмашиш имконини беришни таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Украинага иқтисодий, саноат ва интеллектуал соҳаларда

катта салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган, вақт синовидан ўтган муҳим ҳамкор сифатида қараши қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган давлатлараро мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро ва минтақавий сиёсатга доир кўплаб мас-

алар юзасидан Ўзбекистон ва Украинанинг позицияси ўхшаш ёки яқинлиги БМТ, МДХ, ЕХХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

2012 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу аввалги йилга нисбатан 60 фоиз кўп демакдир. Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятга қарамай, жорий йилда ҳам икки томонлама савдо алоқаларида ижобий ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Томонлар ҳамкорлик ҳажмини изчил кенгайтириш ва диверсификация қилиш, иқтисодийнинг турли

тармоқларида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдан бирдек манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Леонид Кожара самимий қабул ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни очиб, конструктив руҳда муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Украина ташқи ишлар вазири ўз мамлакатини раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ мuddатли ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада мустақамлашга тайёр эканлигини билдирди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг таклифига биноан 2013 йил 16-17 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланади.**

Ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кўп йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасини боғлаб келади.

Латвия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олган. Қисқа мuddат ўтгач, яъни 1992 йил 3 ноябрь куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди — бу билан узоқ мuddатли икки томонлама ҳамкорлик ривожланишига замин қўйилди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Латвия муносабатларида мунтазам тус олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 ва 2004 йиллари Латвияга давлат ташрифлари икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеалар бўлиб қолгани баробарида кўп қиррали Ўзбекистон — Латвия шерикалигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашди. Ўз навбатида, Латвия президентлари Гунтис Ульманис ва Валдис Затлерс ҳам 1996 ҳамда 2008 йиллари Ўзбекистонга келган эдилар.

Турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солинадиган 30 дан зиёд ҳужжат икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини ташкил этади.

Кейинги йиллар давомида парламентлараро алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда — мунтазам ташриф алмашувлари амалга оширилмоқда, бир-бирининг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибаларини, олиб борилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий таъминлашини ўргатиш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари ўтказилмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳнинг тузилгани Ўзбекистон — Латвия парламентлараро алоқаларининг янада мустақамлашишга кўмаклашди. Ўз навбатида, 2012 йилнинг июнида Ўзбекистон парламентига ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ҳам Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик уч савдо шериги қаторидан жой олган. Давлатларимиз ўртасида ўрнатилган мумкин қадар кўп қўлайлик яратиш режими ўзаро товар айирбошлашнинг оғишмай ўсиб боришига кўмаклашмоқдаки, 2012 йили унинг миқдори 240 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, машина-мотор мойлари, дори-дармон маҳсулотлари ва бошқа товарларни экспорт қилади. Асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса, шунингдек, логистика хизматлари эса Латвиядан импортнинг асосини ташкил қилади.

Бугунги кунда республикаимизда латвия-

лик сармоядорлар иштирокида тузилган 22 та корхона фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг 6 таси 100 фоиз Латвия капитал асосида барпо этилган. Мазкур компанияларнинг фаолияти мебель ишлаб чиқариш, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, қандалатчилик саноати, полиграфия ва савдо-сотиқ сингари соҳаларни қамраб олган.

Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро комиссияси икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига муҳим ўрин тутди. Мазкур комиссиянинг 2013 йил сентябрида Тошкентда ўтказилган сунти йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари иқтисодий салоҳият ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашиш билан бирга узоқ мuddатта мўлжалланган ўзаро манфаатли битимларни тузиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг кўламли ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Латвияда ўзбек халқининг ноёб тарихий меросига катта ҳурмат билан қарашади. 2004 йили Ригада машҳур алома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиши ўзбек маданиятига нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиромнинг белгиси бўлди. Бундан ташқари, 2006 йилнинг ноябрида Латвия пойтахтида ўзбек халқининг буюк фарзанди Абу Али ибн Сино ҳайкали ҳам қад ростлади.

2004 йил апрелида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида шериклик алоқалари амал қилмоқда. Шунингдек, Латвия миллий операси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ўртасида йўлга қўйилган изодий алоқаларнинг кўлами изчиллик билан кенгайиб бормоқда. Мунтазам равишда бадиий кўргазмалар ва суратлар кўргазмалари ўтказилмоқда, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда қатнашмоқдалар. Жумладан, жорий йил 25-30 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалида ҳам латвиялик санъаткорлар иштирок этишди.

Ўзбекистон — Латвия алоқалари ривожланиши барча соҳаларда барқарор ўсувчанликка эга эканлиги эътиборга олинган бўлса, шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига амалга ошириладиган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши баробарида икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради.

«Жаҳон» АА.

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ АДОЛАТ ВА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловлар ўзининг мустақам ҳуқуқий асосларига эгалиги, қамрови жиҳатидан ғоят кенглиги, дунёда ноёб ҳодисалиги билан алоҳида ажралиб туради.**

Адолат, муқобиллик ва ошқоралик тамойиллари устувор ушбу сиёсий жараёнларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 ми нафардан зиёд маслаҳатчисини сайлашда 18 ёшдан ошган 18 миллион нафардан зиёд фуқаронинг иштирок этиши юртимизда демократик асосларга таянган кучли фуқаролик жамияти

барпо этилаётганининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

> [2]

### ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗ ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТДИР



Ў.А. сурати.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, мазкур фаолият билан шуғулланувчиларга тегишли руҳсатномалар олиш тартибларини такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ҳам соҳадаги муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

> [4]



ЮРТИНГ ОБОД

### ДИЛИНГ ОБОД СҮРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Азалдан тарбия ўчоғи саналимиш маҳалланинг нуфузи Истиқлол боис янада юксалиб, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнидаги иштироки кенгаймоқда. Буни биргина Кўмқўрган тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди худудий бўлинмаси томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламига, айниқса, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва яқко-ёғлиз яшовчи қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, худудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш каби йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туманимиздаги 8 та қишлоқ ва 60 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш марказларига айланган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, турли байрамлар арафасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлаштириш аъёни тусини олган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 115 та ана шундай оилаларга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тарқатилди. Жисмоний имконияти чекланган фарзандларининг соғлигини тиклаш учун 12 та оилага Фонд худудий бўлинмаси ҳамда ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга қарамол олиб бериш, эҳтиёжманд хонадонлар фарзандларининг ўқув-шартнома тўловини амалга ошириш каби зғу амаллар ҳам эътиборимизда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг 12 нафарини суннат тўйлари ўтказилди. 50 нафардан ортиқ фуқарога томоққоралига экиш учун уруғлик ва экинни озиклантириш учун минерал ўғит ажратилди. Шунингдек, 12 нафар яқко-ёғлиз яшовчи кексаннинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Обод турмуш йилида амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар халқимизнинг бағрикенглик, саховатлилик каби олижаноб қадриятларига ҳамоҳанг экани билан ахамиятлидир.

Туроб ЖУМАЕВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
Кўмқўрган тумани бўлинмаси раиси.

### ОРАСТА ҚИЗЛАР

## Латофат ва назокатда моҳиралар



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини ошириш, маънавиятини юксалтириш, уларни миллий менталитетимизга ёт ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғараги муҳим аҳамият касб этаётир. У қизларни касб-хунарга йўналтириш, эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча беришдек долзарб масалаларни қамраб олган.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Уткир» маҳалла гузаридида ташкил этилган бадиий кечада ҳам бу алоҳида таъкидланди. Тадбирда худуддаги 109- ҳамда 236-умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат «Ораста қизлар» тўғараги аъзолари иштирок этдилар.

> [4]



ҚОНУН МОҲИЯТИ

# ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗ ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТДИР



Ўза сурат.

< [1]

Президентимизнинг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юртиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги қарори билан тадбиркорлик субъектлари жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан расмийлаштирилмаган ва берилмаган рухсатномалар (қарорлар, келишув ва ҳулосалар)ни олиши зарур бўлган ҳаракатлар ҳамда фаолият турлари рўйхати фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланиши кўрсатиб ўтилди. Ушбу қарор билан тадбиркорлик фаолиятини юртишда бир-бирини такрорлайдиган ва ортқича рухсатнома берилган тартиб-қоидаларининг 11 таси, хусусан, кичик бизнес субъектлари учун газдан фойдаланиш учун, автотранспорт сақлаш хизматини кўрсатиш учун рухсатнома, умумий оқватлиниш корхоналари режимини келишиб олиш кабилар бекор қилинган юртимиз ишбилармонларини ортқича оворагарчиликлардан ҳалос этди.

Иқтисодий тизимнинг таянч устунларига айланиб бораётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожини учун кенг йўл очиб бериш, уларнинг эмин-эркин меҳнат қилишига кўмаклашиш шахсан Юртбошимизнинг диққат эътиборидадир. Айниқса, қонунчилигимизда соҳа ривожини кўзлаган қатор меъриий ҳужжатлар турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши доирасини янада кенгайтиришга мустақкам таянч бўлмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ҳукумат қарорлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат беришга доир 50 та рухсат бериш тартибининг амал қилиниши 2011 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинди. Ушбу санадан янги автомобиль ёнлиғис қўйиш шохобчалари қуришга ва қуришни келиштиришга, бинолар ва иншоотларга туташган (ажратилган) ер участкаларида даракларни кесилга, илмий-тадқиқот ишлари, ноу-хау, ихтиролар натижаларини экспорт қилишга, ташқи рекламани жойлаштириш жойини келиштириш, полиграфия корхонаси очиш ва фаолият юртишга рухсатнома олиш талаб қилинмайд.

Тадбиркорлар фойдасини кўзлаган бундай ўзгаришлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқаруви функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартибларининг 12 таси бекор қилинди. Уларда сугурталовчиларнинг қўшимча сугурта заҳираларини шакллантиришни келиштириш, банк филиалини очилишга дастлабки келишиш, сугурталовчиларнинг қўшимча сугурта заҳираларини шакллантиришни келиштириш кабилардан иборат. Мазкур қарорда Адлия вазирлигига давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиблари белгиланганлиги аниқланганда кўрсатиб ўтилган рухсатномалар ва рухсат бериш тартибларини белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини қўриш вазифаси топирилади.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисо-

ботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан эса, яна 80 та рухсат бериш тартиботи бекор қилинди. Жумладан, бундан буён хорижий давлатда ваколатхона очиш, муҳр ва штамп ясашиш, гўшт маҳсулотлари сотиш, фонотрамаларни импорт қилиш ҳамда аудиовизуал маҳсулотларни экспорт қилишга рухсатномалар олиш талаб этилмади.

Юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакатда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳужжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга қаратилгани билан аҳамиятдадир. Давлатимиз томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг натиқий натижаси сифатида 2012 йил 20 декабрда Парламент томонидан «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Унда илк бор рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тушунчаси қонун даражасида белгилаб қўйилди. Унга кўра, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндиси рухсат беришга доир талаблар ва шартлар, деб эътироф этилади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланади. Яъни, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўйиладиган талаб ва шартлар, қайси турда ва шаклда бўлмасин, қонунда белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Қонунга кўра, рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектлари учун ошқора, очиқ ва тушунарли бўлиши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилиши лозим. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун тадбиркорлик субъектларини, битимлар, ҳуқуқлар ва мол-мулкни давлат рўйхатидан утказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш, давлат экологик экспертизаси, давлат сирлари муомаласига татбиқ этилмади. Лицензиялаш, аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш тартиботлари тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Соҳа тараққиётини қўзловчи бундай ҳуқуқий ўзгаришлар изчил давом эттирилиб, мамлакатимиз тадбиркорларига янгидан-янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, мазкур қонун ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 августдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати тасдиқланди. Унда тадбиркорлик соҳасидаги 220 та рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг мавжуд экани соҳа ишбилармонларининг тулақонли фаолият юртиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада ортқича устувор қилади.

Ойбек ҲАКИМОВ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШИ МЕЗОН

# ҲУҚУҚИЙ ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТНИ ОРТТИРАДИ

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда қонун устуворлиги, адолат, тенглик каби тамойиллар қатори ижтимоий ҳимоя ҳам асосий омиллардан бири саналади. Ижтимоий ҳимоя тизими мустақиллик даврида ўзига хос равишда янгидан шаклланди.

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини амалга оширишда давлат турли жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагидан фойдаланмоқда. Шу тариқа ижтимоий ҳимоя сиёсати замон талабларига ҳамоҳанг такомиллашиб бормоқда.

Жорий йилнинг 23 апрелида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди. Ушбу қонун 5 та боб ва 33 та моддадан иборат. Унга 4 та янги модда киритилиб, деярли барча моддалари мазмунан бойитилди ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият йўналишидаги ваколатларига аниқлик киритилди.

Хусусан, Қонуннинг 2-боб, 11-, 12-моддаларида айнан ижтимоий ҳимоя масаласи ўз ифодасини топти. Жумладан, Қонунда «Шаҳардаги маҳалла, шунингдек, таркибда маҳаллалар тузилмаган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини ушбу моддада кўзда тутилган ваколатлардан ташқари, фуқаролар йиғини ҳудудий бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болаларни бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тулмаган болалари бор ишламайдиган оилаларга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оилаларга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишга, оилаларни дав-

лат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратилмаган маблағлардан мақсади ва самарали фойдаланишини таъминлайди» дея аниқ белгилаб қўйилган.

Фуқаролар йиғинларида Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиялари орқали ижтимоий кўмак назоратга олинади. Ижтимоий ҳимоялаш дегаанда, кенг маънода, жамиятнинг ҳар бир аъзосига муҳим ижтимоий ҳуқуқларни риоя қилинишини таъминлайдиган, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни ўзида мужжасман этган қонунлар мажмуасини амалга оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг мақсад ва устуворликларини ҳаётга жорий этишда давлат фаолияти тушунилади. Тор маънода эса, ижтимоий ҳимоялаш кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий харажатларда, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини бидиради.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 13-моддасида: «Фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тулаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия таркиби фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади.» — дейилган.

Меҳнат ва аҳолини иж-



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

тимоий муҳофиза қилиш ҳамда Молия вазирлиги томонидан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тулаш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тулаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган.

Низомга мувофиқ, ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тулаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғинлари томонидан ваколат берилган комиссияларнинг таркибига ва ваколат мuddатига ўзгаришлар киритилди ва масъулиятни кучайтирилди. Эндиликда Комиссия аъзоллигига фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудда истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Унга фуқаролар йиғинининг раиси бошчи-

лик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил мuddатга, фуқаролар йиғини раиси эса — унинг бутун ваколати даврига сайланади. Унинг таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши лозим.

Шу билан биргаликда, ажратилмаган бюджет маблағларидан аниқ тарзда ва мақсади фойдаланишни таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктирилган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказларининг туман (шаҳар) органлари ходимлари масъулияти ҳам кучайтирилди.

Махсус комиссия таркибига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи маслаҳатчилари, котиби, ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази ходими, шунингдек, зарурий бўлганда, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари вакиллари киритилди.

Фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси тўғрисидаги низомнинг қабул қилиниши

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эҳтиёжман оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ваколатини амалга ошириш жараёнида оиланинг уртача жами ойлик даромади миқдорини аниқлашда ошқоралик ва ижтимоий адолат тамойилларига амал қилган ҳолда давлат маблағлари ҳисобидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни манзил ва мақсади бўлишини таъминлайди. Муҳими, мазкур ҳужжат айрим кишиларда учрайдиган боқимандалик иллатига барҳам беради.

Кўриниб турибдики, кам таъминланган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аниқ тизим шакллантирилган ваколатлар кучайтирилган. Зеро, улар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳуқуқий кафолатланган.

Ақромжон ЙЎЛБАРСОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

# «ПАНСАДА» БОҒИ — ҲАМЖИҲАТЛИК МЕВАСИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Чуст шаҳридаги «Пансада» маҳалласи нафақат ҳудудда, балки Наманган вилоятида ҳам энг намунали, барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эга фуқаролар йиғини ҳисобланади.

Айниқса, унинг коммунал туловлар интизомини йўлга қўйиш, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан узулуксиз таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, томирқалардан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибаси бир неча бор туман, вилоят миқёсида омма-лаштирилган, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш, давлат экологик экспертизаси, давлат сирлари муомаласига татбиқ этилмади. Лицензиялаш, аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш тартиботлари тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Утган йили йиғин ташаббуси билан янги кўчаларга 3,5 километр узунликда табиий газ, 4,5 километр масофада эса тоза ичимлик суви тармоғи тортилиб, 2 та кўприк қурилган эди. Обод турмуш йилида Саодат, Маърифат, Чармгарон кўчаларининг 2,5 километр йўл қисми асфальтланди. Мавжуд 7 та кўчанинг икки четига гулзорлар ташкил этилиб, иморатларнинг ташқи қўринишига зеб берилди. Энг асосийси, ҳудуддаги 2,5 гектар тошлоқ май-

дон ўрнида боғ яратилди. Эрта баҳорда экилган 1640 тул турли даракт кўчаларининг барчаси беҳато қўқаргани бутун бу ерга ташриф буюрганларнинг кўзини қувватмоқда.

— Пансадалиқларнинг бу ташаббусини бошқа маҳаллаларда ҳам кенг ёйиш ҳаракатидамиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондига Чуст тумани бўлини раиси Жўраҳон Мираҳмедов. — Ҳозирги кунда тумандаги мавжуд 70 та фуқаролар йиғинининг барчаси ўз имкониятларини чамалаб, ҳудуддаги ташландиқ ва қаровsiz жойларни тартибга солиш ҳамда шу каби эзгу мақсадлар йўлида фойдаланишни режалаштирмоқда.

«Пансада» боғи аслида яқин уч-тўрт йил ичида ҳосилга кирса-да, амалда қутилган натижани бера бошлади. Зеро, у туманда кишиларни ташаббусга, изланишга ундовчи, яратувчилик йўлидаги ҳамжиҳатлик меваси сифатида муносиб эътироф этилмоқда.

Фарҳод ҚОДИРОВ «Mahalla»

ИШИ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# САЪЙ-ҲАРАКАТ САМАРАСИЗ КЕТМАДИ

Юртимизнинг қишлоқ жойларида иссиқхоначилик аллақачон қўшимча даромад манбаига айланган.

Томорқадаги муъажизна ердан катта даромад олиб, оиласининг моддий фаровонлигини ошираётганлар Шўрчи туманида ҳам кўп-лаб топилади.

«Олатемир» маҳалласида яшовчи Содиқ Соатов йигирма йилдан ошдики, деҳқончилик билан шугулланиб келади. Томорқасидаги иссиқхонада помидордан тортиб, лимону апельсингача етиштиришни удалаётган миришкор 6 нафар маҳалладошини ҳам доимий иш билан таъминлади. Олатемирликлар ушбу маҳсулотларни арзон нархларда харид қилишга тўғридан хурсанд. Қолаверса, цитрус меваларни воҳа иқлимига мослаштириш сирларини, улардан мўл-кўл ҳосил олиш йўл-йўриқларини ҳам ўрганишга ётир.

— Иссиқхонамизда лола, атиргул билан бирга, кўкнатинг 7 тури кишин-ёзин парваришланади, — дейди Содиқ Соатов. — Бундан ташқари, 1,5 гектарлик боғимизда 320 тул хурмо, 3 хил навадги ёнғоқдан ҳар йили мўл ҳосил оламиз. Пиёз, картошка, ловия, қовоқ ва сабзиди бозордан сотиб оламиз. Маҳалла аҳлига помидор, пиёз, турли хил гул кўчатлари билан бир қаторда мевали даракт ниҳолларини ҳам етказиб берамиз. Деҳқон-

чилик ортидан оиламиз тинч, рўзгоримиз бут.

Ишнинг кўзини билган мақсадга етди. Қаҳрамонимиз ўз касбига меҳр бериб, ер билан тиллашаётир. У яқинда ҳовасида кўл яратиб, балиқчиликка ҳам қўл урди. — Аввалига ҳовлида кўл ташкил қилишга чўчим, — дейди тадбиркор. — Кейин «Чумчуқдан қўрққан тарик эмас» мақолига амал қилиб, бошлаган ишнинг охирига етказдим. Ҳовузда балиқ мўл. Ҳар бири 3-4 килограмдан тош босади. Қилаётган меҳнатимиз, сарфлаган кучимиз бесамар кетмаётир. Билганларимизни маҳалладошларга ўргатаймиз. Уларнинг интилишлари, тадбиркорликка қўл ураётганини кўриб, кўнглим қувончга тўлади. Чунки элда тадбиркор кўпайса, юрт тараққий этади, фаровонлик барқарор бўлади.

Дарҳақиқат, инсон ҳаракат қилса, ўз салоҳияти, тажрибасига таянса, албатта, ниятига, мақсадига эришади. С. Соатов каби тиниб-тинчимас инсонлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани, юртимизнинг нурли истиқболдан далолатидир.

Нигина ШОЕВА, Сурхондарё вилояти.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КҮЧ

# ИБРАТ — ЭЗГУ ИШНИНГ ПОЙДЕВОРИ



Н.ХАЙДАРОВ олинган сурат.

Йил аввалида Ферузахон Азимова иш режаларини тасдиқлаштириш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқарувиغا келганида, бош мутахассис Одинахон Иброҳимова хужжатларни синчиклаб кўздан кечирди. Сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Режалар пухта тузилибди. Кундалик ҳаётнинг барча жиҳатлари қамраб олинган. Бироқ биз билан ҳамisha ҳамкорлик қилиб, тегишли масалаларни ўз вақтида ҳал этишимизда кўмакчи бўлаётган «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими билан ижтимоий шериклик борасида биров кемтиклик кўзга ташланаяпти. Шунинг эътиборига олиш керак.

Таклиф уринли эди. Буни тўғри англаган Фонднинг Хужабод тумани бўлими раиси Ферузахон Азимова «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими раиси Аҳмадullo Розиков билан фикрлашди. Натижанда бажариладиган ишлар кўлами кенгайиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Нуроний» жамғармаси фаолларининг мақсад, вазифалари муштараклаштириш, иш режалари янада бойитилди.

Унга асосан, тумандаги барча фуқаролар йиғинида «Қариси бор уйнинг париси бор», «Нуронийлар ёшларга ибрат», «Уч авлод учрашуви» сингари тадбирлар ўтказилиб, катта ҳаёт тажрибасига эга отахон-онахонлар бутунги тинч ва осуда кунларининг қадрига етиш хусусида ёшларга ибратли маслаҳатлар беришаётир.

Айни пайтда Хужабод туманидаги фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган асосий йўналишлар бўйича комиссия аъзоларининг 70 фоиздан зиёдрогини нуронийлар ташкил этади. Бу эса ҳар иккала жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан изчил ҳамкорлик ишлари олиб борилаётганининг амалий ифодасидир. Айниқса, Яраштириш, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияларда уларнинг фаоллиги ва бой тажрибаси туфайли жорий йилда 60 дан зиёд оилавий муаммо ўз вақтида барҳал эшилди. «Ота-оналар университети» фаолияти, «Оила — маҳалла — татлим муассасаси» ҳамкорлигида ҳам туман нуронийларининг ҳиссаси катта.

— Ёшлар тўғри йўлдан адашмаслиги учун ҳаётий тажрибага эга катталарнинг қимматли тавсия ва маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этади, — дейди Хужабод туманидаги «Қорабулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси аъзоси Майрамхон Хусанова. — Яқинда бир йилгит турмуш урғунлиги руҳсатсиз қўшни кўчадаги уйига бориб келгани учун ҳайдаб юборибди. Шунда комиссия

аъзолари бир бўлиб, катта ҳаётга эндигина қадам ташлаган ёш кўвни идорага чақиртирдик. Бундай енгил-елли фикрлашнинг оқибатлари, турмушнинг паст-баландликлари ҳақида анчагина насихат қилдик. Бошида биров қизишган йилгит сўхбат хатосини тушуниб, ўз суради. Эртасига келини қайтариб олиб келганини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Ҳа, чиндан-да Хужабодда нуроний отахон-онахонларимизнинг ибратли уғитлари туфайли хайри ишлар кенг қулоч ёзмақда. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини фуқаролар йиғинларида нуронийлар томонидан давра сўхбатлари ўтказилади. Унда озодаликнинг фойдалари келтирилиши, эҳтиёжманлар ҳолидан хабар олиш эса эзгу қадриятларимиздан экани алоҳида таъкидланади.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла фаоллари билан нуронийлар ҳамкорлиги, аввало, тинчлик ва оқилолликни сақлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»



## Янги қонун янги тартибни белгилайдими?

**Буюк Британия ҳукумати муҳожирликни чеклашга қаратилган янги қонун лойиҳасини тақдим қилди.**



Хужжат ноқонуний муҳожирларнинг Бирлашган Қироллик ҳудудига киришини қийинлаштиришни ҳамда бу борадаги қонунларни бузганлиги аниқланганларни оғрага қайтаришни оқшатиши кузда тугади. Қонун лойиҳаси муаллифлари автомобил


бошқариш учун гувоҳнома олишда шахнинг муҳожирлик мавқеини текшириш, орта қайтариш бўйича қарор устидан эҳтимолий апелляциялар сонини қисқартириш, муҳожирликка оид қонунчиликни бузганларни гаров билан озодаликка чиқариш сингари меъёрларни илгари сурмоқдалар.

Янги қонуннинг қабул қилиниши муҳожирлар сонини қисқартириш имконини бериши тахмин қилинмоқда. Турли маълумотларга кўра, бутунги кунда Буюк Британияда 600 мингдан 1,1 миллионгача ноқонуний муҳожир яшмоқда.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# ҲИКМАТГА ЙЎҒРИЛГАН ХАЗИНА

Абдумутал Абдуллаев номи газетамиз мухлисарига яхши таниш. Кейинги йилларда «Mahalla»нинг Андижон вилояти бўйича муҳбири сифатида фаол чиқишлар қилаётган бу ҳамкасбимиз аслида серкйрар ижодкор.



АБДУМУТАЛ АБДУЛЛАЕВ

ҚАҚНУС  
ФАРИДИДДИН АТГОР ҚИССАСИ

Айниқса, унинг бой ҳаётий тажрибага асосланган, кенг қамровли, чуқур мушоҳадали публицистик материаллари мамлакатимизнинг ўнлаб номдор газеталари саҳифаларида мунтазам чоп этилади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Олтин қалам» Миллий мукофоти халқаро танлови совриндори бўлган устоз иккита катта ижодий ташкилот — Ўзбекистон журналистлари ҳамда Ўзбекистон ижодий уюшмалари аъзоси ҳамдир. Унинг «Сийратта сайр», «Дунёнинг калити», «Олушта эртаги», «Ишққа даъво йўқ», «Дард» номи китоблари алақачон ўқувчилар эътиборига тушган.

Ижодида буюк алломаларимизнинг ҳикматлари таъсири сезилиб турадиган адиб, айниқса, тасаввуф намояндаларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш билан астойдил шугулланмоқда. Бунинг дастлабки меваси сифатида «Қубайс тоғидаги нидо» асарини келтириш мумкин. Доимий изланишда бўлган адиб буюк алломаларимиз, авлиёларимиз тарихини, шунинг баробарида, халқимизнинг қадимий тарихини ўрганиш ва биланларини кенг оммага етказишдек хайрли ишдан асло чарчамайди. Яқиндагина «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп этилган «Қақнус» асари бунинг яққол далилидир.

Фаридаддин Атгорнинг ҳикматлар хазинасидан, ҳаётий ўғитларидан баҳра олаётган ёш авлод бу инсонни амакда бой дўкондор бўла туриб, тариқат йўлини тутган авлиё,

Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»

ОРАСТА ҚИЗЛАР

# ЛАТОФАТ ВА НАЗОКАТДА МОҲИРАЛАР



Н.ХАЙДАРОВ олинган сурат.

— Айни вақтда маҳалламизда 6,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохиста Иброҳимова, — Шундан 20 фойизини балоғат ёшидаги қизлар ташкил этади. Қизларимизни оилага, катта ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли тўғрақларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Хусусан, фуқаролар йиғини қошидаги «Ораста қизлар» тўғраги ана шу йўналишга

ихтисослашган бўлиб, унда қизлар уй-рўзгор ишларини, бичиш-тиқиш, кийиниш, оиладаги ўзаро муносабатлар маданиятини ўрганмоқдалар. Тадбирда иштирокчилар ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меҳмон кутуш одоби, хонадон саришталиги мавзуларида тўғрақда ўрганаётган билим ва қўнимларини саҳна кўриниши орқали намойиш этишди. Уларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган турли буюмлар, истиқлолни, она-Ватанни мадҳ этувчи расм-

лар, замонавий ва миллий руҳ уйғунлигидаги либослар кўргазмаси ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбирда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, хотин-қизлар соғлигини сақлаш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Худуддаги 22-оилавий поликлинника шифокорлари ушбу йўналишда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофликча тўхталишди.

Ф.ЭСОНОВ «Mahalla»

СПОРТ

Бокс

## Ғалаба сари

Жорий йилнинг 14-26 октябрь кунлари Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида бокс бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилди.

Ушбу чемпионатда дунёнинг 116 давлатидан 576 нафар чарм қўлақоп устаси 10 вазн тоифасида голиблик

учун рингга кўтарилади. Унда мамлакатимиз шарафини терма жамоамиз тўлиқ таркибда ҳимоя қилади.

Таэквондо

## Медаллар билан

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида таэквондо ИТФ бўйича яқунланган IX «Big Apple» халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 7 олтин, 5 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритди.

Жами 14 медал жамгарган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни

эгаллади. АҚШ ва Пуэрто-Рико терма жамоалари кучли учлиқдан жой олди.

# «Mahalla» ҳар бир хонадонга!

Хурматли юртдошлар! Жорий йилнинг 20 сентябридан 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга! акцияси ўтказилади. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида кўйилган купонни тўлдириб, тахририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.

Тахририятга келган купонлар жамлаиб, ҳар ўн кунда бир марта ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади.

Хар ўн кунлик натижалар газетанда эълон қилинади.

Хар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо машина техника буюмлари билан тақдирланади.

Ютуқ эгалари газетга иллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна қвтангисини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқ-номанинг аслини кўрсатишлари шарт.

3-КУПОН
Исм-шариф:
Манзил:
Телефон:
Обуна бўлинган сана:
«Mahalla»
«ОБУНА 2014»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73



Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов
Нашр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.